



Сайлов жараёнини назорат қилиш шакллари ва уни амалга оширишнинг хукуқий кафолатлари

Кўқон шаҳар прокурори ўринбосари

Ганиев Ойбек Хотамович

Сайлов жараёнидаги назорат, авваламбор, мазкур жараённи қонун асосида ўтишини таъминлашга қаратилган. Бу шуни англатадики, сайлов жараёнининг ҳар бир иштирокчиси унга нисбатан қонунчиликда белгиланган хукуқ ва мажбуриятларига риоя этган ҳолда ўз ҳаракатларини амалга ошириши зарур.

Миллий сайлов қонунчилигимиз сайлов жараёнининг барча иштирокчиларини, уларнинг хукуқий мақомидан қатъий назар, ҳаракатларини тартибга солар экан, демак бу бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам нодавлат органларига таалуклидир, чунки сайлов иштирокчилари давлат органи ҳам, нодавлат органи ҳам бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, сайлов жараёни сайлов хукуки билан тартибга солинган ва у конституциявий хукуқга унинг институтларидан бири сифатида кирганлиги муносабати билан назоратнинг асосий вазифаси сифатида, авваламбор, сайловда иштирок этувчи давлат органларига нисбатан қаратилган бўлиши лозим.

Бундан келиб чиқадики, сайлов жараёнидаги назорат функцияси асосан бу жараённи бошқариб борадиган маҳсус давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолиятига нисбатан қаратилган бўлиши лозим. Ўз навбатида сайлов комиссиялари давлат органлари ҳисобланадилар. Демак, назорат биринчи навбатда сайлов комиссияларига шу билан бирга сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига қаратилган бўлиши керак. Бу ерда, сайлов комиссиялари алоҳида маҳсус давлат органлари тизимини ташкил этгани учун Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикри уларга нисбатан ҳам бевосита таалуқли: “... ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин – барибир ўз кучини, қолаверса, ўз



зўравонлигини ўтказишга харакат қиласиган тизим бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка, берилган ваколат ва вазифасини суистеъмол қилишга, коррупцияга қарши, айни вақтда, барча ўзбошимчалик ва волюнтаристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, деб тан олинади”¹.

Назоратнинг иккинчи йўналиши сайлов жараёнининг нодавлат мақомига эга бўлган субъектларига қаратилади. Бундай нодавлат субъектларини икки турга бўлиш мумкин: биринчиси, бу бевосита фуқаролар ва Ўзбекистонда ташкил этилган нодавлат ташкилотлари; иккинчиси, бу хорижий давлатларнинг фуқаролари ва ҳалқаро хуқуқнинг субъектлари.

Биринчи гурӯхга субъектлар сифатида фақатгина сайлов кампаниясида қатнашиш хуқуқига эга бўлган фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларни киритиш мумкин. Бу ерда сайлов қонунчилигига биноан бундай субъектлар тизими депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларидан иборат. Мазкур субъектлар назоратни ҳам бевосита, ҳам ўзларининг кузатувчилари орқали амалга оширишлари мумкин.

Сайлов жараёнида кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади, чунки бу сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигининг энг муҳим шартларидан биридир. Ж.Содиков таъкидлаганидек: “Сайловларни кузатиш шунчаки техник қоида эмас, у инсон хуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга бевосита кўмаклашади”⁹. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш устидан жамоатчилик кузатувини (назоратини) амалга ошириш учун тегишли кафолатлар қўзда тутилган.

Жумладан, кузатув институтининг вазифаси – сайлов тамойилларини, сайловчилар овозларини ҳисоблаб чиқиш тартибини, овоз бериш натижалари

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 325-326.



тўғрисидаги сайлов комиссиялари баённомаларини тўлдириш тартибини бузмаган ҳолда овоз беришни ҳалол ва адолатли ўтказишни таъминлашга қўмаклашишдир.

Кузатув овоз бериш қуни участка сайлов комиссиясининг иш фаолияти бошланган вақтдан бошланади ва округ сайлов комиссияси овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомани қабул қилганилиги тўғрисидаги ҳабардан кейин тугалланади.

Ўз вазифаларини сифатлироқ бажариш мақсадида кузатувчига қуидагилар керак булади: авторучка; ёзувлар учун ён дафтарча; тоза қоғоз вараклари; фото ва видео суратга олиш учун аппаратура; калькулятор; чўнтак фонари; овоз бериш якунлари тўғрисидаги участка сайлов комиссияси баённомаси бланқасининг нусхалари; уяли алоқа воситалари¹⁰.

Кузатувчи этиб Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси тайинланиши мумкин. Шу билан бирга кузатувчи сайлов қонунчилигини яхши билган шахс бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Рўйхатга олинган номзодларни кўрсатган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кузатувчилар тайинлашга ҳақли.

Сайлов комиссияларининг аъзолари, депутатликка номзодлар ва сайлаб қўйила-диган мансабдор шахслар, уларга бевосита бўйсунувчи шахслар, судьялар, прокурорлар кузатувчи қилиб тайинланишлари мумкин эмас.

Сиёсий партиялар ўз раҳбарий органи тимсолида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ўз кузатувчилари ҳақида сайловга қадар камида ўн беш кун қолганида округ сайлов комиссияларига маълум қиладилар¹¹. Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотлардан, ариза олганидан кейин беш кун мобайнида кузатувчи учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган намунашаги мандатни беради.

Кузатувчи мандати кузатувчининг шахсини тасдиқловчи хужжат тақдим қилинганидагина ҳақиқийдир.

¹⁰ Содиков Ж. Кузатувчилар – сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари // Демократлаштириш ва инсон ҳукуклари. 2004 № 4 (24). Б. 53.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9-10. – 132-модда.



Қонунга мувофиқ, Кузатувчи қуидаги ҳуқуқларга эга: биринчидан, депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишиланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш; иккинчидан, сайлов участкасида ҳозир булиш хамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш; учинчидан, овозларни санаб чиқишида ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишида ҳозир бўлиш; тўртинчидан, сайлов натижалари туғрисидаги хужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш; бешинчидан, агар сайлов участкасида сайлов қонунининг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш¹².

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б. 325-326.
2. Содиков Ж. Кузатувчилар – сайлов жараёнининг фаол иштироқчилари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2004 № 4 (24). Б. 53.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 9–10. – 132-модда.
4. Ўша жойда.

¹² Ўша жойда.